2003 YIL 28 OKTYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 133 (6.658). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

АДАБИЁТ ЯШАР АБАДИЙ (1-4-саҳифаларда)

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ



(4-саҳифада)

СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛАР (1-2- саҳифаларда)




● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитасида «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

● Навоий вилоят ҳокимлигида қишки мавсумга тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди.

● Шаҳрисабз шаҳрида «Ҳисор» спорт мажмуаси қуриб битказилди.

● Тошкент архитектура-қурилиш институтида мамлакатимиздаги архитектура ёдгорликларини асраш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● «Соғлом авлод учун» нодавлат халқаро хайрия жамғармасида Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Росзарубежцентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун уюштирилган «Куз наволари» номли кўргазма бўлиб ўтди.

● Ўзбекистоннинг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш асослари» деб аталган қўлланма нашр этилди.

● Пойтахтимиздаги 20 та махсус мактаб ва интернат янги тиббий ускуналар, дори-воситалар ва витаминларни, Хўжайли ва Ғиждувон меҳрибонлик уйлари булардан ташқари ичимлик сувни тозалаш фильтрларини олди.

● Халқаро бизнес-марказда ўзбек-япон инсон ресурсларини ривожлантириш маркази /UJC/ ва Японияning халқаро ҳамкорлик агентлиги /JICA/ томонидан ташкил этилган «Японияда тизим муҳандислари фаолияти» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «LG Electronics» компанияси «Йилнинг энг яхши ғояси» мавзуида танлов эълон қилди.

● Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Япония маданияти кунлари доирасида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида, Бадиий академиянинг халқаро маданият карвон-саройида ва Ўзбекистон Давлат консерваториясида анъанавий Япония мусиқаси концертлари бўлиб ўтди.

# ЖССТ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***25 октябр куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Ли Чонг-Вукни қабул қилди.***

Ли Чонг-Вук шу йил май ойида мазкур ташкилотга раҳбар этиб сайланган. Учрашувда Президент Ислом Каримов меҳмонни юксак лавозимга сайлангани билан қутлар экан, тажрибали мутахассис ва нуфузли арбоб саналадиган Ли Чонг-Вук раҳбарлигида ЖССТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайишига умид билдирди.

- Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ва кўп қиррали алоқаларида ЖССТ ўзига хос ўрин тутади, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Бунинг боиси шуки, ЖССТ ўз фаолиятига сиёсий тус бермайди, аниқ ва зарур ёрдамни аямайди.

1948 йилда ташкил этилган мазкур халқаро ташкилот соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича БМТнинг бош институти ҳисобланади. У ўз фаолияти давомида икки тарихий ютуқнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлди - 1980 йилда жаҳонда чечакни бартараф этишга эришилди, 1994 йилда Америка қитъасида полиомиелит касаллигига барҳам берилди. Бу 2000 йил охиригача дунёда мазкур касалликдан қутулиш вазифасини адо этиш борасидаги дастлабки қадам эди.

Ўзбекистон 1992 йили ушбу ташкилотга аъзо бўлган. 1994 йилдан Тошкентда ЖССТнинг Мувофиқлаштириш ва алоқалар бўйича бюроси фаолият кўрсата бошлади. 2001 йили эса бюро ваколатхонага айлантирилди.

Мамлакатимизнинг ЖССТ билан ҳамкорлиги бир неча муҳим йўналишларни қамрайди. Улар орасида силни назорат қилиш стратегиясининг ижроси, ОИТСнинг олдини олиш, наркотик моддалар ҳамда тамаки назорати бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, врачлар ва ҳамшираларни умумий амалиётга ўқитиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби соҳаларни таъкидлаш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда донор мамлакатлар ҳисобидан ЖССТнинг бир неча лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг уч туманида бирламчи тиббий-санитария хизматини мустаҳкамлаш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасига (қиймати 610 минг АҚШ доллари) Белгиянинг, самарали перинатал ёрдамни ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳасига (100 минг доллар) Италиянинг молиявий ёрдами жалб этилган. Жами беш лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда силга қарши кураш дастури ҳаётга изчил жорий қилинмоқда. Ҳозир мамлакатимиз аҳолиси ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Силнинг қисқа муддатли кимёвий терапияси дастури доирасида ушбу хасталикни замонавий ва самарали услубда даволаш имкониятидан фойдаланмоқда. Ташкилот кўмаги билан Тошкентдаги фтизиатрия ва пулмонология илмий тадқиқот



институти ҳузурида силни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилган.

ЖССТ Л.Исаев номидаги Самарқанд тиббий паразитология институтига ҳам молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи муҳокама қилиниб, барча амалга оширилажак лойиҳалар борасида атрофлича фикр алмашилди, томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожининг истиқболли йўналишларини белгилаш, айрим мамлакатлар ё минтақалардаги муаммоларга ечим топишга кўмаклашиш борасида ЖССТ мувофиқлаштирувчи ва ўзига хос бошқарув маркази бўлиши керак. Ўзбекистон томонининг нуқтаи назарига кўра, ЖССТнинг мавқеини янада ошириш ва ваколатларини кенгайтириш вақти келди.

Чунки, айрим мамлакатлар ўз ҳудудида юқумли касаллик пайдо бўлганини ва унинг қўшни ўлкаларга тарқалиши эҳтимолини била туриб, бу ҳақда уларни расмий огоҳлантирмаслиги ҳолатлари кузатилган. Бунинг хавфи нечоғли катта эканини Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Амударё ва Сирдарёдан миллионлаб одам сув ичади. Миллионлаб гектар экин майдонларини ҳам бу икки дарёсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай шароитда бирор жойда чиққан юқумли касаллик дарҳол назорат остига олинмаса, у жуда осон ва тез тарқалади. Шу боис ЖССТга бундай ҳодисаларни текшириш ва суриштириш ваколатини бериш зарурати бор.

Мамлакатимиз раҳбари ўта хавфли юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишини доимий мониторинг ва назорат қилиб боришнинг энг самарали чораларидан бири Эпидемия ва эпизоотиялар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ўз ҳудудида шундай марказни жойлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ли Чонг-Вук Ўзбекистон Президентига самимий қабул ва амалий таклифлари учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз томонидан тиббиёт муассасаларини ускуналар ва дори-дармон билан таъминлаш дастури ижроси учун 40 миллион АҚШ доллари ҳажмида ёрдам сўраб, Глобал жамғармага берилган мурожаатни ЖССТ қўллаб-қувватлашини айтди.

ЖССТ Бош директорининг Олий Мажлис Раиси Э.Халилов билан учрашувда ҳам Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, Ли Чонг-Вукнинг мазкур ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Меҳмон юртимизда соғлиқни сақлаш борасида қабул қилинган қонунлар билан яқиндан танишди.

ЖССТ делегацияси Нукусда «DOTS+» лойиҳаси асосида фойдаланишга топширилган 2-республика сил касалликларига қарши кураш диспансерининг очилиш маросимида иштирок этди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, эллик ўринли шифохонада янгича даволаш усуллари жорий қилиниб, дори-дармон тўла Medecins Sans Frontieres (Чегара билмас шифокорлар) халқаро ташкилоти томонидан таъминланади. Бу ерда маҳаллий шифокорлар билан бирга чет эллик мутахассислар ҳам хизмат қилади.

- Мамлакатингизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кишини қувонтиради, - деди Ли Чонг-Вук журналистлар билан суҳбатда.

Ли Чонг-Вукнинг ташрифи Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатиб, ҳамкорликнинг янги-янги йўналишларини очишга имкон яратади.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайтидан лавҳа. Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

15.X.2003 №133 28 октября

# 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида

**Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект - қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида:**

1. Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шаклларини танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш;

бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва ғаллани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Камида уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

4. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш - ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланадиган ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан, мавжуд кредиторлик қарзлари тўлангандан сўнг маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда уларни молиялашга 2004-2005 йиллар мобайнида босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

фермер хўжаликларига айлантириладиган қишлоқ хўжалик ширкатлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра ҳар йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек, ягона ер солиғи белгиланган тартибда ўз вақтида тўланмаган тақдирда фермер хўжаликлари фаолиятини фақат уларга ижарага берилган ерлардан ижара шартномасига мувофиқ мақсадли ва унумли фойдаланиш масалалари бўйича текширишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашишга уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғини яратсин, бир ой муддатда уларнинг жойлашиш манзилларини белгиласин;

(Давоми 2-бетда)

# ЕР СОҲИБИ БИЛИМДОНМИ?

МЕЛИОРАЦИЯ

***—Ер олиш, мустақил ишлашни умр бўйи орзу қилгандим. Замонамдан айланай, ниятимга етдим. Даламга меҳр бериб ишлаётганим шундан.***

-Фермерлик – кўп ишлаш, яхши даромад олиш, зўр яшаш дегани экан. Насиб этса пайкалнинг бошидан ўтган зовурни ковлатиб олсам, марра бизники...

Бугун сирдарёлик кўпчилик фермерлар билан суҳбатлашсангиз шунга ўхшаш фикрларни эшитасиз. Улар кечаги тўпори деҳқон эмаслиги ҳам бор гап. Баъзи билимдон мулк эгалари Президентимизнинг мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқларини ёдга олади. Ўшанда Юртбошимиз Сирдарё вилояти ерларининг аҳволини ўрганиш зарурлигини айтган, шунга кўра ҳукумат қарори билан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жалолов бошчилигида махсус комиссия тузилган эди...

Хўш, комиссия қандай ишлади, унинг фаолиятидан сирдарёлик фермерлар нечоғли наф кўради? Дастлаб баъзи рақамларга эътиборингизни қаратсак. Бугун Сирдарё вилоятида шўрланган ерлар 281 минг 900 гектарни ёки жами экин майдонининг 97 фоизини ташкил этади. Шундан 178 минг гектари кучсиз шўрланган, 85 минг 300 гектар ўрта шўрланган, 18000 гектар ер эса кучли шўрланган. Бебаҳо бойлик саналган, ернинг аҳволи, айниқса, Мирзаобод, Меҳнатобод ва Оқолтин туманларида йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Суғориш тизимидаги пала-партишлик, ўзбошимчалик билан сув бошқариш оқибатида сизот сувларини кўтарилиш даражаси ҳам меъёридан юқори бўлаяпти. Вилоятдаги 90 минг гектар ерда ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ЭШИТМОҚДАН КЎРГАН АФЗАЛ

***Ғиждувон туманидаги Сўфичўян қишлоғига элтувчи йўлдан борар эканмиз, ҳамроҳим агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси Жамшид Мансуров:***

-Бу боғ Самандар ака Ҳамидов даврида барпо қилинган, - дейди ҳаяжон билан.

Ҳаял ўтмай деворлари дид билан таъмирланган қишлоқ уйлари ва Сўфичўян зиёратгоҳи кўзга ташланади. Бу қабристонда Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг энг яқин шогирдларидан бири Сўфичўян хоки пойи бор. Ҳазрат юбилейи баҳонасида ушбу қадамжони ҳам ободонлаштириш кўзда тутилган.

(Давоми 4-бетда)

# ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

ЖАРАЁН

***Куз - сарҳисоб қилинадиган, ғалвир сувдан кўтариладиган палла. Бугун пахтакор деҳқонларнинг бош қашишга вақти йўқ. Ҳаловати бузилган. Ейиш-ичиши ҳам далада. Осмонга бир парча булут чиқса, кўнглига хавотир тушади. "Ишқилиб ёмғир ёғмасин-да", деган ўй дилига келади.***

Ҳар нарсанинг меъёрида ва вақтида бўлгани яхши-да. Айниқса, бу йилги серёғин келган кунлар деҳқоннинг силласини қуритди. Чигитни қайта-қайта экишлар, қуёш ҳароратининг пастлиги, ҳосилнинг ҳар йилгидан 15-20 кун кеч етилиши. Не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилдан умиди катта. Деҳқон рўзғорининг бутунлиги, кўнглига туккан орзу-ниятининг амалга ошиши даладаги ҳосилнинг чўғига боғлиқ.

Ўрта Чирчиқ тумани деҳқонлари учун ҳам бу йил митти чигитни лўппи пахтага айлантириш осон кечгани йўқ. Туман пахтакорларининг кўзи ҳам, қўли ҳам кўникиб кетган машаққатлар эвазига бу йил далаларда сал кечки бўлса-да, мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш керак. Шартномадаги пахта топшириш режасини ёруғ юз билан уддалаши лозим.

Ўрта чирчиқликлар бу йил 36775 тонна пахта хирмони бунёд этишни мақсад қилганлар. Йил давомида кўзланган маррани эгаллаш учун қанчадан-қанча машаққатлар чекилди. Барча агротехник тадбирлар ва экинларни суғориш меъёрида ўтказилди. Энг асосийси туман ҳудудидаги экин экиладиган майдонлар фермерларга ва пудрат асосида ишловчи ижарачиларга бўлиб берилди. Бу усулда моддий манфаатдорлик устунлиги аҳамиятлидир. Чунки ким мўл ҳосил етиштирса, даромади ҳам шунга яраша бўлади. Ахир ким йил бўйи тер тўкиб, кузда бармоғини сўриб қолишни истайди.

(Давоми 3-бетда)

БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ

***Бугунги суҳбатдошимиз таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Абдуғафур Расулов. Биз у кишига бугунги адабий жараёндаги ўзгаришлар, тамойиллар ва умуман бадиият муаммоларига дахлдор саволлар билан мурожаат қилдик.***

**-Домла, анъанавий саволимиз: "5" рақамига**

# "АЛПОМИШ"НИ ЎҚИШ КЕРАК

**муносабатингизни билдирсангиз.**

-Илгари бу рақам ниҳоятда катта эътиборга молик эди, десам адашмайман. Айниқса, мактабларда "5" баҳо олиш олиймақом иш эди, аълога ўқиганларга ҳамма ҳавас қиларди.

(Давоми 4-бетда)

# ЯШИРИЛГАН ФОЙДА БУЮРМАЙДИ

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

***Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчларидан бири айни пайтда хусусий мулкдорлар ҳисобланади. Ушбу мулкдорлар синфи вакиллари республикамиз ички ва ташқи савдосида имкон қадар фаол иштирок қилишга интиляптилар.***

Ва айтиш мумкинки, улар қайсидир жиҳатлари билан бунга эришяптилар ҳам. Чунки мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан давлат мулкининг хусусий мулкчилик кўринишига ўтказиш борасида жиддий ва самарали ишлар олиб борилди ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат ҳимоясида турди. Шунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда минг-минглаб хусусий фирма эгалари, тадбиркору ишбилармонлар рўёбга чиқди. Натижада Ўзбекистон жамиятнинг ана шу фаол вакиллари туфайли дунёга юз тутди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган атаманинг жаранглашида бу соҳа иштирокчиларининг хизматлари қиёссиз. Бу ҳолат, албатта, қувонарли. Бундан ҳар қанча фахрланса арзийди. Аммо, афсуски, ушбу жараёнда ҳам амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилмайдиган, қинғирлигини била туриб тўғри йўл, дея шу йўлдан кетаётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳаммага маълум нарса, қийшиқ йўлнинг охири нима билан тугаши.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик, унинг авж олишини олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Натижада, иқтисодиёт, солиқ ва валютага ҳамда яширин иқтисодиётни фош этишга оид ҳуқуқбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган фаолият кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланади.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ГАП «БОЛАЛАДИ»

ТОРГА ТОР ДУНЁ

ЁШЛАР ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИМИ?

# 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой муддатда фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан муносабатлар асослари бўйича ўқитишни кўзда тутувчи Фермерлар тайёрлаш дастурини тайёрласин ва тасдиқласин, ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга фермер хўжаликлари ўзи учун зарур ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ем-хашак, уруғлик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун зарур бошқа ресурларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқсин ва 2004 йилдан бошлаб жорий этсин.

10. Қуйидагилар ташкил этилган вақтдан бошлаб, истисно тариқасида:

қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳудудида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган корхоналар ер ва мулк солиғини тўлашдан;

сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг хизматлари қўшимча қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғини қўшиш ва тўлашдан уч йил муддатга озод қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, тенг ҳуқуқли рақобат шароитини яратиш учун муқобил машина-трактор парклари солиққа тортиш шартлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (шудгорлаш, экиш, ишлов бериш, йиғиб олиш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзагромашсервис» уюшмасининг вилоят бирлашмалари машина-трактор паркларига тенглаштирилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 октябрь

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ – ДАВР ТАЛАБИ

**АНЖУМАН**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича белгиланган Дастурнинг "Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ва судлар мустақиллиги" қисмини амалга ошириш доирасида Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида дастурда қайд этилган долзарб муаммолар мавзусида бир неча илмий-амалий конференция, халқаро семинар, суҳбат, мунозаралар ташкил этилди.***

Суд ҳокимияти фаолиятидаги самарадорлик, судларда кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши суриштирув, тергов, суд жараёни устидан халқ назоратини, унинг иродаси ҳисобланмиш Конституция, Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа қонунлар назоратини кучайтиради. Амалда уларнинг ижроси қай аҳволдалигини билдиради.

Конституциявий судда ўтказилган "Суд ҳокимияти фаолияти самарадорлиги масалаларини ва судларда кўрилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзусида давра суҳбати ҳам ушбу тадбирларнинг давомидир.

Ушбу тадбирда оммавий ахборот воситалари республикада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалий натижаларига, хусусан, жазоларнинг либераллаштириши билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг ҳаётга жорий этилишига алоҳида эътибор беришлари лозимлиги тўғрисида фикрлар борди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан охирги икки йил давомида 14 мингдан ортиқ шахс ўз айбини бўйнига олиб, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни қоплаганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилинди, судланганларнинг 13 фоизига нисбатан жарима жазоси қўлланилди. Энг муҳими, судланганларнинг сони камайди, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 34,7 фоизга пасайди, 65,3 фоиз судланувчи маҳкумликдан бошқа енгилроқ жазога тортилди.

Янгиликлардан яна бири, терговда бир йилу олти ой ҳибсда сақлаб туриш нормаси ўзгартирилди, 90 фоиздан ошиқ терговдаги ишлар 2-3 ой ичида тугатилиши ва қонуний тўхтамга келиниши таъминланди, прокурор санкцияси билан қамоққа олиш 50 фоизга камайди. Кўп эпизодли оғир тоифадаги гумондор, айбдорлари бир нечта бўлган уюшган жиноятчиларга тегишли тергов ишлари алоҳида ҳолларда Бош прокурор томонидан бир йилгача тергов ва ҳибсда сақлаб туриш муддати узайтирилади. Эндиликда фақат агрессия, геноцид, терроризм, оғир усулларда одам ўлдириш тоифасидаги жиноятлар учун судлар томонидан ўлим жазоси тайинланиши мумкин.

Шу ўринда, яқинда Президентимиз томонидан жорий этилган жазо ўташ жойларида жазо ўтаётган маҳбусларга инсонийлик, ғамхўрлик ифодаси бўлган "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Фармонини ҳам таъкидламоқ жоиз. Чунки унга кўра қанча-қанча маҳбуслар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлди. Бу ҳам соҳадаги қувончли ҳолатларнинг асосларидан бири.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлиснинг масъул ходимлари, соҳага ихтисослашган журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг, суд, прокуратура, ички ишлар ва бошқа органларнинг вакиллари, олим ва мутахассислар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕР СОҲИБИ БИЛИМДОНМИ?

(Боши 1-бетда)

-Баъзи кишилар катта арикдан далага сув очишадию тамом, на сувчини, на деҳқонни пайкалда учратасиз, сув сероб – ўзи экинни суғораверади, деб ўйловчилар ҳам кўп, - дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи Мирфайзи Мирҳожиев. – Аммо сув очишдан олган кичик ариқлардан қанча сув ўтади, улар лойқага тўлиб қолганми йўқми буни аниқлаш керак. Агар ариғингиз лойқага тўлган бўлса Сирдарёни буриб келсангиз ҳам пайкални суғориб бўлмайди-да. Бу бир томони. Бошқа жиҳати эса экинзорга кирган сув тез орада чиқиб кетиши лозим. Бунинг учун ер эгаси ариқ-зовурларни тозалаб қўйишга ўрганмоғи керак.



Комиссия хулосаларига кўра вилоятдан ўтадиган магистрал зовурларни тозалаш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ишлар маблағ етишмаслиги сабабли суст олиб борилмоқда. Ерларнинг шўрини ювиш масаласида ҳам бир қатор муаммолар бор. Бир йилда вилоят ерларининг шўрини ювиш учун тахминан 300-350 миллион $м^3$ сув сарфланади. Афсуски ташкилотчилик ва масъулиятнинг етишмаслиги оқибатида шўр ювиш ишлари ҳар йили март ойларигача чўзилиб кетади. Гоҳида шўри ювилмаган жойларга экин экиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Аслида эса шўр ювиш ишларини январ ойига қолдирмасдан тугаллаш лозим. Шўр ювишда пол олиш, далани ғўзапоядан тозалаш ҳам жуда муҳим. Ерни текислаш, тажрибали миробларни ёллаш тунги суғоришни ташкил этиш – бусиз мутахассисларнинг фикрича сифатли шўр ювишни амалга ошириб бўлмайди.



-Сирдарё вилоятидаги 54 минг гектар ердаги 384 та қудуқнинг 250 таси таъмирга муҳтож, - дейди бошқарма бошлиғи. – Шунинг ўзиёқ аҳволнинг нечоғлик оғир эканлигини кўрсатиб турибди. Маблағ етишмаслиги оқибатида вилоятдаги хўжалик ички зовурлари 4-5 йилда бир марта тозаланмоқда. 2000-2002 йиллар оралиғида эса вилоятдаги хўжаликлараро зовурларнинг 14-18 фоизигина тозаланди холос.

Маълумотларга қараганда, Мирзачўл ҳудудидаги ёпиқ зовурларни тозалаш, таъмирлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас, уларнинг асосий қисмини кўрикдан ўтказиш лозим.

-Маблағ етишмаслиги, техника ва механизмларнинг эскирганлиги сабабли кўнгилдагидек ишлаб бўлмаяпти, - дейди Сирдарё вилоят гидромелиоратив экспедицияси раҳбари Акрам Самиев. – Айниқса, хўжалик ички зовурларини тозалашда муаммо кўп. Масалан, шу йилнинг 9 ойи ичида 357 километр ўрнига бор-йўғи 207 километр зовур тозаланди, холос. Бу ўтган йилга нисбатан кам. Ёпиқ-ётиқ зовурларни ювиш ишлари ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Чунки ширкат хўжаликларида маблағ йўқ, фермерлар энди оёққа тураяпти. Вазирлик томонидан ажратилаётган маблағ эса жуда кам ва фақат хўжаликлараро зовурлар учун берилаяпти.

Акрам Самиев ички тармоқлар ишламаса хўжаликлараро зовурларни тозалаш етарлича наф бермаслигини ҳам таъкидлади. Чунки ортиқча сув пайкалдан қайси тармоқ орқали катта зовурга тушади, хўжалик ичидаги зовур орқали-да. Агар ички зовур ички суғориш тармоғи сингари тўлиб қолган бўлса, наф бўлармикин? Бу масала бугун сирдарёлик кўпчилик мутахассисларни ўйлантириб қўйган. Экскаваторларни эскирганлиги, талабга нисбатан бирмунча камлиги ҳам муаммоларни келтириб чиқараяпти. Янги ускуналар олишга эса маблағ етишмайди.

-Комиссия хулосасига кўра келгусида маблағ ва иш ҳажми сезиларли даражада ошади, - деди бошқарма бошлиғи Мирфайзи Мирҳожиев. – Чунки ўрганишлар натижасида комиссия томонидан Мирзачўл ҳудудида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди. 2004-2005 йилларда жорий йилга нисбатан хўжаликлараро ариқ-зовурлар тизимини таъмирлаш, тозалаш ҳажми икки йилга мос равишда 1,5 ва 2 баравар кўпаяди, ёпиқ зовурларни ювиш эса 1,9 ҳамда 1,45 марта ортади. Шунингдек, Сирдарё вилоятида 2900 гектар ер текисланиб, мелиоратив ҳолати яхшиланади. Албатта бу ишларни бажариш учун зарур бўладиган маблағлар ҳам ажратилади. Мақсад бизни боқаётган ризқ-насиба бераётган она заминнинг дардини енгиллатиш, шу орқали иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган услубдан воз кечиб фермерчиликни ихтиёр этган деҳқонларга кўмак беришдир. Аммо қарс икки қўлдан чиқсаю фермерлар миробу сувчига, мелиораторга яқиндан кўмак берса, бор маблағи, имкониятини аямаса натижа янада тезроқ кўринади. Ана шунда Сирдарёнинг шуҳрати, довруғини қайта тиклаш мумкин.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Пойтахтда янги қўшма корхона

***Тошкент. /ЎзА мухбири Ж.Раупов/. Мамлакатимиз пойтахтида «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси очилди. У металлчерепица, профнастил ва том ёпиш учун турли материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.***

Қўшма корхона низом жамғармаси 4 миллион 940 минг АҚШ долларини ташкил этади. Янги қўшма корхонани Ўзбекистон томондан - Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Osiyo granit» масъулияти чекланган жамият ва «Qurilishbutlashxizmat», чет эл томондан - Австриянинг «Desk Marketing Service GmbH» ва АҚШ фуқароси Марк Хушманд таъсис этди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш цехи Финляндияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Қўшма корхона йилига 6 минг тонна руҳланган тунукани қайта ишлашга мўлжалланган. Бир сменада 5000 квадрат метр металлчерепица ва 15000 квадрат метр профнастил ишлаб чиқарилади.

# МАЖМУА БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

***Касби тумани Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигидаги оромгоҳда 950 қатновга мўлжалланган спорт мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Косондаги "Қўриққурилиш" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли еттинчи механизациялашган шўъба корхонаси қурувчилари томонидан барпо этилаётган мазкур иншоотда машғулотлар зали, ювиниш, даволаш хоналари, ошхона ёшлар хизматида бўлади.***

-Оромгоҳда футбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси қурилиши режалаштирилган,-деди шўъба корхона муҳандиси Зокир Шаропов "Туркистон-пресс" мухбирига.- Ҳозиргача 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Спорт соғломлаштириш мажмуасини келгуси йили Наврўз байрамида фойдланишга топшириш мўлжалланган. Шунинг учун ҳам ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. 2005 йилгача биргина Касби туманининг ўзида ўнта стадион, олтита спорт зали, иккита сузиш ҳавзаси бунёд этиш режалаштирилган.

**"Туркистон-пресс"**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## БОШ ЁРИЛСА...

***Елиб бораётган машинадаги кучли портлаш ҳаммани ваҳимага солди. Йўлдан чиқиб кетган "Нексия"ни жар ёқасида аранг тўхтатиб улгурган Ҳамидулла, бошқалар ҳам салонни қоплаган заҳарли ҳаводан нафаслари бўғилиб, ташқарига отилишди.***

Машинадан узоқлашган бешовлон ҳам гангиб қолган, қандай воқеа юз берганини билишолмай карахт. Бироз ўзларига келишиб, ҳадик остида машинага яқинлашишди. Кўзлари майда-майда бўлакланиб кетган таниш буюмга тушди-ю ўзларини босиб олишди. Олд ойна остига қўйилган ўт олдиргич, суюлтирилган газли зажигалка қуёш ҳароратида зичлашиб портлаб кетган экан. Яхши ҳамки, ўша пайтда ҳеч ким сигарета чекмаётган экан. Акс ҳолда яшин тезлигида ёнғин чиқиб, фалокат юз бериши ҳеч гапмасди.

Эътиборсизликнинг оқибати ҳамиша ҳунук бўлади. Машинада кекса, ногирон, юрак хасталиги бор ёки ҳомиладор аёл бўлганида нималар юз бериши мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

-Худога минг қатла шукр, кўнгилсизлик юз бермади, дейишди шериклари. Машина жойидан жилди, Ҳамидулла ҳам кўнглидан ўтказди:- Худога бир деганим бор экан, ўриндиқларнинг ҳўл бўлиб қолганини ҳисобга олмасак, ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермади.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

## САВДОГАР

***Бозорга тушган Илҳом ака харидни оёқ кийимидан бошлади.***

Анча чапдаст, табиатан савдода тортишишни ёқтирадиган Илҳом ака битта оёқ кийим учун анча вақт савдолашди. Мол эгаси ҳам қайсар экан, ҳа деганда кўна қолмади. Айтганида туриб олди. Шу тортишув пайтида бирданига ҳамма ғимирлаб, ёйиб ўтирган молларни йиғиштиришга тушиб қолишди. Илҳом ака ҳайрон. Гапираётган гапи оғзида қолди. Бояги сотувчи ҳам зумда ғойиб бўлибди. Ҳар-ҳар жойдан "Налог. Налог келаяпти", "Тезроқ яширинглар", деган гап-сўзлар эшитилар эди.

Бирпас ўтиб, савдогар опанинг ўзи уни бир чеккага имлаб чақирди. Нима қиларини билмай пойафзалнинг бир пойини ушлаб, гаранг бўлиб турган Илҳом акага:

-Шошманг, ака. Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин. Айтган нархингизга, майли ундан ҳам арзонроққа бераман, олинг, - деб тезроқ сотишнинг чорасини кўрарди аёл.

-Кейинги сафар, опажон, кейинги сафар.

-Нега? Олаверинг, - ҳамон гапидан қолмасди сотувчи аёл.

Харидор эса оларини ҳам, олмаслигини ҳам билмай бир тўхтамга келолмай турарди...

**Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА**

## БАРАКА ҲАЛОЛЛИКДА

***Буни узоқ йиллар савдо соҳасида хизмат қилган Йўлдошбой ака айтиб берганди.***

-"Наврўз" байрами арафасида сипонамо кийинган бир йигит уйимизга кириб келди. Ўтиришга таклиф қилдим.

-Мени танимадингиз шекилли, - сўз бошлади меҳмон бир пиёла чой ича туриб.

-Кўрганга ўхшатаяпман, - дедим.

Йигит чуқур хўрсинди-да, сўзида давом қилди. Мен сиздан бундан ўн тўрт йил олдин икки яшик хурмони насияга олиб кетиб, пулини қайтаролмагандим. Шундан сал вақт ўтгач, акам ишдан, мен ўқишдан ҳайдалдик. Ҳамроҳларимни тасодиф туфайли ҳалокатга йўлиқишини бўйнимга тўнкашди. Қамалиб ҳам чиқдим. Хуллас, ишлар орқага кетаверди. Бир куни отам ҳаммамизни олдига чақирдилар-да, деди:

-Биз хўжа авлодиданмиз, сизларни ҳалол пул билан катта қилганман. Ростини айтинглар, кимнидир норози қилганга ўхшайсизлар ёки ишларингга шайтон аралашган кўринади. Ҳалолликка ҳаром аралашдими, у ердан барака кўтарилади. Мана, боғнинг узуми пишди. Сотинглар-да, қарзларингиздан қутулинглар.

Сиздан бўлган қарзим ҳеч вақт кўнглимни тарк этмади. Ҳатто касалхонада ётган пайтларимдаям хотинимга айтиб, ёздириб ҳам қўйгандим. Қарз қиёматга қолмасин, Йўлдошбой акани рози қилинглар, деб. Худога шукр, соғайиб ҳам чиқдим.

Мана, пулингиз, дея 40 минг сўмни олдимга қўйди. Минг бор розиман, дейишимга қарамай, унинг бир қисмини олишимга мажбур қилди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**



**Сайхунобод туманидаги "Сайхунобод" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бу йил шартнома асосида 34 минг 455 тонна пахта қабул қилинади. Бугунгача корхонага 13 минг тоннадан ошиқроқ оқ олтин қабул қилинди. Қайта ишланган 2 минг тонна пахтадан 700 тонна тола ишлаб чиқарилиб, шундан 500 тоннаси хорижга жўнатилди.**

**СУРАТДА: корхона мутахассислари Жумааҳмад Отабоев ҳамда Шавкат Жабборовлар хорижга жўнатилаётган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

# АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

***Урганч. /ЎзА мухбири Т.Шамаков/. Хоразм вилоятида учта Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилади. Қадим воҳага Россия Федерацияси Владимир вилояти делегацияси ташрифи натижаси ана шундай.***

- Бизнинг Хоразмга ташрифимиз учрашув ва музокараларга бой бўлди,- деб таъкидлади делегация раҳбари, Владимир вилояти маъмурияти бошлиғининг биринчи ўринбосари В.Веретенников. - Биз вилоятнинг ўзимизни қизиқтирган барча иқтисодий имкониятлари билан танишдик ҳамда маҳаллий тадбиркорларга Владимир корхоналари салоҳиятини намойиш этдик. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Машинасозлик маҳсулотларини етказиб бериш, шу соҳага хизмат кўрсатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш шулар жумласидан.

Россия ишбилармон доиралари вакиллари пахта толасига катта қизиқиш билдирди. Ушбу қимматбаҳо хомашёни тўқимачилик саноати учун тўлиқ қайта ишлаш бўйича маҳаллий дастур уларнинг эътиборини жалб қилди. Улар бу ерда қўшма корхона ташкил этиш ва келгусида Россия бозорида маҳсулот сотишга тайёр эканликларини маълум қилди.

Мўлжалланган лойиҳаларнинг энг йириги «Урганч экскаватор» ва «Ковровец» экскаватор заводи» негизида қўшма корхона ташкил этишдир. Бу корхона суғориш каналларини қазишда ишлатиладиган экскаваторлар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Келишувга кўра, келаси ойдаёқ 200 киши ишлайдиган қўшма корхонани юридик расмийлаштириш бошланади.

Ташриф давомида ташкил этилган минтақалараро ҳамкорлик бўйича қўшма ишчи гуруҳ режаларидан Урганч таъмирлаш корхонаси қошида Владимир электрмотор заводида ишлаб чиқарилган электр двигателларга хизмат кўрсатиш марказини очиш, Россия технологиялари асосида пахта толасини қайта ишлаш корхонасини очиш, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари ўрин олган.

# ЯШИРИЛГАН ФОЙДА БУЮРМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Ўтказилган тадбирларда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, улар юзасидан давлат бюджетига 77,6 миллиард сўм қўшимча солиқ ва жарималар ҳисобланди. Шундан 17,7 миллиард сўми ундирилди. Бюджетга туширилган жами қўшимча маблағларнинг миқдори 21,7 миллиард сўмни ташкил қилди.

Фирмами, корхонами, бошқа ишлаб чиқарувчи муассаса, қай йўсинда фаолият юритишидан қатъий назар у ҳисоб-китоб жараёнини тартиб-қоидага биноан вақтида юргизса иқтисодиёт учун ҳам ўша мулкдорнинг ўзига ҳам кони фойда. Бунинг учун белгиланган солиқни тўлаш ҳамда қонуний иш юртишса шунинг ўзи етарли. Бошқасига эҳтиёж ҳам қолмайди.

Тошкент шаҳридаги "Келажак савдо бизнес" хусусий фирмасига эса бундай тасниф қўлласак ноўрин бўлиши шубҳасиз. Ушбу фирма 2003 йилнинг январ-июл ойларида турли қўшма корхона ва хусусий фирмалар билан маҳсулотлар сотиш, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ниқоби остида тузилган сохта шартномалар ҳисобига ўз ҳисоб рақамига 1 миллиард 165 миллион сўмни ўтказиб олишади. Ваҳоланки, фирма раҳбари З.Розиқовнинг солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботида жорий йилнинг биринчи ярмида товар операциялари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. У ушбу найранг билан 61 миллион сўмлик солиқлардан қутулиб қолмоқчи эди. Аммо...

Бундан ташқари пойтахтимиздаги "ARK BOLO" МЧЖ 2,4 миллиард, "RAYKOM" хусусий фирмаси 1,9 миллиард, "SAFEMIR BIZNES" хусусий фирмаси 835,6 миллион сўмлик (бу рақамни яна давом эттириш мумкин) маблағларини солиқни четлаш мақсадида кирим қилмасдан хуфёна иккита бухгалтерия ҳисобларини юритиб келганлари аниқланди.

Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида мана шундай хуфёна, иккита бухгалтерия ҳисобини юритиб, солиқ идораларига сохта ҳисоботлар тақдим этган 103 та корхона ва хусусий фирмаларнинг 50,4 миллиард сўмлик товар айланмаларини солиқдан яширганликлари маълум бўлди. Ва шубҳасизки, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланди.

Департамент ходимлари томонидан "хуфёна" иқтисодиётни фош этишга қаратилган тадбирларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат иқтисодиётига етказилаётган зарарнинг бири бу – яширин иқтисодиётнинг муҳим бир белгиси бўлмиш хўжалик юритувчи субъектларнинг амалга ошираётган ноқонуний нақд пул айланмалари бўлса, яна бир жиҳати кредит маблағларини нақдлаштириш ва ҳужжатларни сохталаштириш ҳамда уни ўзлаштиришдир. Ўз навбатида бундай ҳолатларга ҳам чек қўйилмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида жойлашган Анвар ва Эркин Нарзиқуловларга қарашли "Гулноза-М", "WalueKO", "Шаҳзод-О" ва "Дилноза-А" фирмаларининг ана шундай фаолиятлари фош этилди.

Мазкур фирма раҳбарлари "Миллий банк"нинг вилоят бўлими мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, ўз фирмаларига қалбаки ҳужжатлар асосида ва "ишлаб чиқариш" учун жами 1 миллиард 120 миллион сўм кредитни расмийлаштиришади. Ака-укалар эса мазкур фирмаларнинг расмий раҳбари ва бош ҳисобчиси Насиба ва Нилуфар Неъматоваларнинг имзоларини қалбакилаштириб, уларнинг иштирокисиз бошқа фирмалар билан жуда кўп миқдорда банк операцияларини амалга оширишган. Олинган маблағлар турли хил маҳсулотлар сотиб олишга йўналтирилиб, савдодан тушган маблағлар ўзлаштирилиб юбориладн. Лекин шунча пул ҳеч қандай бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан икки биродар "ишбилармонлар"га нисбатан жиноят иши қўзғатилган ҳамда банкнинг Самарқанд вилоят бўлимида ҳам текшириш жараёни кетмоқда.

Маълумки, айни пайтда мамлакатимиз бозорлари ва дўконларини сифатсиз ҳамда ҳужжатсиз маҳсулотлардан холи худуд қилиш борасида қатъий амалий ишлар олиб борилмоқда. Ва ушбу ҳолатларни тартибга солиш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам чиққан эди. Лекин ҳали ҳам қандайдир йўллар билан кириб келган ва сотилаётган маҳсулотларни кўришимиз мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳридаги "CD-PROFI" фирмасига қарашли дўконда фирма раҳбари Е.Ким, сотувчиси В.Поздникинлар сотаётган 62,6 миллион сўмлик аудио-видео маҳсулотлари, Шайхонтоҳур туманидаги "Электросити" дўконидан олинган 23,2 миллион сўм миқдоридаги маиший-техника воситалари ҳам хориждан олиб кирилган. Лекин ҳеч бирида ҳужжат бўлмаган маҳсулотлар. Албатта, ушбу маҳсулотлар ҳам давлат тасарруфига ўтказилди.

Хуллас, бундай рақам ва далилларни яна ҳам келтираверишҳ, давом эттириш мумкин. Шундай сохта тадбиркору, ишбилармонларнинг "хизматлари" туфайли халқимиз манфаатига зид хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш фақатгина ҳуқуқ-тартибот ходимлари зиммасидаги вазифа бўлиб қолмасдан, ҳар бир шахснинг онгли тарзда бажарадиган юмушлардан саналиши мақсадга мувофиқдир. Агар ҳар бир киши харид қилган нарсаси билан қизиқса, унинг қаердан, қай ҳолатда олиб келинганлигини суриштирса, юқоридаги каби ҳолат ва вазиятлар камайишига ҳисса қўшган бўлади.

**Рауф ЭШМИРЗАЕВ,**
**Азамат ЭРГАШЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг масъул ходимлари.**

# ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

(Боши 1-бетда)

-Шунинг учун туман деҳқонлари бир-биридан ўзишга, юқори ҳосил етиштиришга жон-танлари билан ҳаракат қилдилар. "Сендан ҳаракат, мендан барокат" деб бежиз айтилмаган. Саъй-ҳаракатлар беҳуда кетмаганлигини туман пахта қабул қилиш пунктларидаги юксак сари кўтарилаётган пахта бунтлари исботлаб турибди,-дейди туман ҳокими Максим Тиллабоев.

Тумандаги Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг азаматлари 2610 тонна хом ашё топшириб, давлатга пахта сотиш шартномавий режасини бажаришди. Хўжалик далаларида терим суръати асло пасайгани йўқ. Аввало, далада терилмаган пахта мўл, қолаверса туманнинг режаси ҳам тез кунларда муваффақиятли бажарилиши учун ҳисса қўшишлари керак. Бугун туманда ҳамма пахтакор. Зеро, деҳқон ҳосилни етиштиргани билан ундан олинадиган даромаднинг маълум қисми шу туман аҳолисининг яхши яшашига, ижтимоий-иқтисодий юксалишга хизмат қилади. Қолаверса, халқимизда бир-бирига кўмакдош бўлишга ундайдиган ҳашар удуми бор.

Ҳозирги кунда туман пахтазорларида 30 мингдан ортиқ ҳашарчи бор. Улар биринчидан, ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, пахта ҳосилини вақтида йиғиштириб олишга ўз ҳиссаларини қўшишса, иккинчидан, имкониятдан фойдаланишиб, меҳнатларига яраша пул ишлаб олишади. Терилган бир кило пахта учун 31 сўмдан, ҳар беш кунда вақтида иш ҳақи тўланаётир. Шу кунгача 80-90 минг сўм ишлаб топган теримчиларнинг саноғи анчагина.

Масалан, "Қайтмас" ширкат хўжалигининг аъзоси Қумри Қўшшаева шу кунгача 2,5 тоннадан ортиқ пахта терибди. Унинг дугоналари Раҳима Сайдазизова ва Шарофат Қурбоновалар ҳам икки тоннадан ошириб пахта териб қўйдилар.

-Сал кечроқ бўлса ҳам мўл ҳосил етиштиришга эришдик, - дейди "Қайтмас" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Алишер Ҳикматов. – 368 гектар ерга чигит қадаган эдик. Саноқли кунларда режадаги 948 тонна пахтани териб бўламиз. Ерларимиз тўлиқ ижарачиларга бўлиб берилган. Бировни "далага чиқ, пахта тер", деб даъват қилмаймиз. Ҳар ким ўз ишини билиб қилади. Қолаверса, бизлар ўз имкониятимиздан келиб чиқиб ҳар бир килограмм терилган пахта учун 33 сўмдан пул тўлаётирмиз. 90 фоиз пахтамиз биринчи навларга топширилди. Демак, бу йил пахтадан оладиган даромадимиз яхши бўлади.

Бозор иқтисодиёти деҳқонни ҳам тадбиркорликка, тежамли бўлишга, ҳар бир сўмнинг ҳисоб-китобини қилишга ўргатди. Хўп, шундай экан, деҳқончиликда пахта таннархини камайтириб, кўпроқ даромад олишнинг манбалари нимада?

Албатта, иқтисод орқали самарадорликка эришишда. Бунда кўпроқ техникадан фойдаланиш қўл келади. Масалан, пахтани кўпроқ комбайнлар ёрдамида йиғиштириб олиш. Бугун туман пахтазорларида 20 дан ортиқ "Кейс" русумли пахта териш агрегатларининг тўхтовсиз ишлатилаётганининг маъноси ҳам шунда. Ҳар бир агрегат билан кунига 15-20 тонна пахта йиғиштириб олинаётир.

Тумандаги "Истиқбол" хўжалигида ўтган йили пахта етиштириш режаси 48 фоизда қолиб кетган эди. Бу салбий кўрсаткич оқибатида деҳқоннинг даромадидан барака қочди, даладан кўнгли совиди.

-Жорий йилда ишга бошқача киришдик, - дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мирзамурод Икромов. – Аввалambор, тажрибали деҳқонлар билан йиллик иш режамизни маслаҳат билан ҳал қилдик. Бу йил 530 гектар ерга "Наманган-77" навли пахта чигитини қададик. Ҳосилдорлик ёмон бўлмади, шу кунгача 700 тоннадан ортиқ терилган пахта биринчи навларга топширилди. Уруғлик пахта топшириш режасини бажардик.

Бу йил 200 гектар ерга плёнка остига чигит эккан эдик. Ўша далаларда етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммаси юқори навларга топширилди. Чунки плёнка остига экилган пахта анча эрта пишди, ёғинли кунларга қолмади. Далаларда мўл ҳосил етиштирилганидан ширкат аъзоларимизнинг руҳияти баланд. Илҳом Мирзаев, Жамила Тошматова, Абдураҳим Дўсматов каби оилавий пудратчилар аллақачон пахта етказиб бериш шартномавий режаларини бажардилар.

Ўрта Чирчиқ тумани деҳқонлари яқин кунларда пахта етиштириш бўйича ғалаба рапортига имзо чекишга интилишмоқда. Уларнинг қалб қўри билан етиштирилган пахталари мамлакатимиз деҳқонларининг катта хирмонига муносиб улуш бўлиб қўшилажак.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

# ҲАРОРАТ ОШИБ БОРАДИМИ?

ХАБАР

***Сайёрамиз бўйлаб иқлимнинг тобора исиб бориши экологик ноқулай вазиятларни юзага келтирмоқда. Шу муносабат билан иқлимнинг глобал ва минтақавий ўзгаришининг оқибатлари ва сабаблари олим ва мутахассисларнинг диққат марказида турибди.***

"Иқлим ва атроф-муҳит" мавзусида "ЭКОСАН" Халқаро жамғармасида бўлиб ўтган халқаро учрашув ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Учрашувда Россия Фанлар Академиясининг академиги, Росгидромет ва Россия Фанлар Академиясининг Глобал иқлим ва экология институти директори Ю.А.Израэл иштирок этди. Шунингдек, учрашувда вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар, илмий тадқиқот институти ва олий ўқув юртлар, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари, таниқли эколог олимлар, гидрометеорологлар, "ЭКОСАН" Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) аъзолари ҳам иштирок этдилар ва иқлим ўзгаришининг сабаблари, унинг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири ва олдини олиш йўллари борасида фикрлашдилар.

Учрашувда таъкидланганидек, иқлимнинг ўзгариш муаммоси бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб турибди. Энг муҳими, ушбу муаммони нафақат белгиламоқ, балки келиб чиққан вазиятни илмий асосларга таянган ҳолда баҳолаш керакдир. Сўнгги юз йил давомида сайёрамизда ҳаво ҳарорати ўртача 0,6 даражага кўтарилди.

Иқлимнинг исиши музликларни эришига, океандаги сув сатҳини кўтарилишига, арид зоналарда эса қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнларини кучайтиришга олиб келмоқда, булар эса ўз навбатида ижтимоий ва иқтисодий нохушликларни келтириб чиқармоқда.

Иқлимни исиб бориши табиий сабаблар билан боғлиқлиги ҳам ҳақиқатдан мустасно эмас. Аммо ушбу жараённинг жадал ривожланаётгани антропоген омиллар, яъни инсон фаолияти билан боғлиқлигини кўрсатиб турибди ва иқлим ўзгариш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олим ва соҳа мутахассисларининг кўпчилигининг фикрига кўра инсоният иқлим ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда инсоният 4,5 миллиард тонна кўмир, 3,2 миллиард тонна нефт ва нефт маҳсулотларини, шунингдек, табиий газ ва ёқилғининг бошқа турларини ёқиб ишлатмоқда. Бунинг оқибатида эса иқлимни исишига сабаб бўлаётган парник газлардан бири $CO_2$нинг атмосферадаги миқдори кўпайиб бормоқда. Сўнгги юз йилликнинг бошидан ушбу газнинг миқдори 30 фоизга кўпайди.

Глобал ва минтақавий иқлим ўзгаришларининг оқибат ва сабаблари Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг олим ва мутахассисларининг, шу жумладан "ЭКОСАН" Тошкент клуби аъзоларининг диққат-эътиборида турибди. Улар олиб бораётган илмий изланишларида Орол инқирозининг иқлимни глобал ва минтақавий миқёсида ўзгаришига таъсири ўрганилмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЭЛ КОРИГА ЯРАШ - БАХТ

ХИЗМАТ

***Мулкдорлар қанча кўп бўлса, давлат шунча бой бўлади. Шу боис ҳам мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.***

"Берунийтутинув" ҳиссадорлик жамияти таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 9 та цех, битта ресторан, учта ошхона, 60 та дўкон, шунингдек, "Ёшлар" комплекси фаолият кўрсатаяпти.

-Туман аҳолисига савдо хизматини кўрсатишни кенгайтириш мақсадида "Комплекс дастур" ишлаб чиққанмиз. – деди жамият раҳбари Насрулла Қурбонниёзов. – Ундаги режаларни ортиғи билан бажаряпмиз. Ҳиссадорлик жамиятининг шу йил ўтган даврдаги товар айланмаси 867,3 миллион сўмни ташкил этди. Унинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш бўлимига тўғри келади.

Ҳозирда жамиятнинг 50.000 дона акцияси бўлиб, битта акция қиймати 1000 сўм. Акционерлар сони эса 343 нафар.

-"Интилганга толе ёр", деб бежиз айтишмаган. Бунга жамиятимиз фаолияти мисолида ишонч ҳосил қилдик. Иш бошида қийинчиликлар ҳам бўлди. Лекин умидсизланмадик, жаҳд билан ишладик. Асосийси, фойда салмоғи ортиб боряпти, - дейди Насрулла Қурбонниёзов.

***




Юрт ободлиги, халқ турмушини билмоқчи бўлганлар бозорларга бориши азалий одат. Шу боис ҳам ота-боболаримиз "Бозор – элнинг юзи", деб бежиз айтишмаган. Шу маънода "Чимбой" деҳқон бозорига борсангиз, мўл-кўлчиликнинг гувоҳи бўласиз.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳўл мева, сабзавот, кўкат дейсизми, ширинлик, озиқ-овқат маҳсулотлари дейсизми бари топилади. Бозорда деҳқонлар учун 2 жойда ҳар бири 75 ўриндан 150 ўринга мўлжалланган ёпиқ савдо расталари, 450 ўринли савдо гумбази, шунингдек, 100 ўринли озиқ-овқат савдо расталари мавжуд.

Бозорга кираркансиз, дилингиз яйрайди. Ҳар бир маҳсулотнинг тартиб билан жойлаштирилганлигини айтмайсизми? Айниқса, белгиланган тартибда фаолият юритилиши ва назорат тарозуларининг жой-жойидалиги мақсадга мувофиқ.

-Бозор ичи ва атрофининг озодалигига алоҳида эътибор қаратганмиз. Тартибни бузган ёки унга амал қилмаётганлардан жарима ундирилади, - дейди "Чимбойдеҳқонбозори" ҳиссадорлик жамияти раиси Султонбек Бергенов. – Тош-тарозуларни ўз вақтида "Госстандарт" назоратидан ўтказамиз.

Деҳқон бозоридаги озодаликнинг яна бир жиҳати туман СЭС маркази билан ҳамкорликка боғлиқ бўлса, мўл-кўлчилик эса фермерлар билан шартнома асосида ишлаш самарасидир. Буларга тадбиркорлик билан иш юритиш, ташкилотчилик туфайли эришилмоқда.

****

Нукус туманидаги "Оқманғиттутинув" ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконларнинг ходимлари ширинсуханликлари билан бошқалардан ажралиб туришади. Шу боис ва бошқа омиллар туфайли ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги дўконлар сони туман марказида 26 тага, қишлоқ жойларда эса 21 тага кўпайди. Шунингдек, яқинда ишга туширилган мини-маркет харидорлар билан гавжум.

-Халққа намунали хизмат қилиш - асосий мақсадимиз, - дейди жамият етакчиси Қайрулла Келанов. – Харидорларни сифатли маҳсулот билан таъминлаш ҳар бир тадбиркорнинг бурчи.



Қайрулла Келановнинг чорвачиликка ҳам меҳри бўлакча. У бошчилик қилаётган жамиятнинг ёрдамчи хўжалигида 15 бош қорамол, 210 бошдан зиёд қўй-эчки боқиляпти.

-Биз тадбиркорларга кенг йўл очиб берилган, - дейди у. – Чорвачилик билан шуғулланаман, маҳсулотни қайта ишлайдиган цехлар қураман деб дилимга тугиб қўйгандим. Ниятларим бирин-кетин ушаляпти. Яқинда сутни қайта ишлайдиган корхона очмоқчимиз.

Ишбилармон кишиларнинг фаолиятини кузатар экансиз, улар эришаётган ютуқларидан қувонасиз. Чунки улар доимо эл-юртни тўкин қилиш орзуси билан яшашади.

**Шаменгул ТУРЕМУРАТОВА**

# ИСЛОҲОТ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

ИНТИЛИШ

***Йўлбошчимиз фермерлик ҳаракатига ана шундай баҳо бергандилар. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни тўғри йўлга қўйиш ва амалга оширишда фермер хўжаликлари ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга.***

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки ойлардан бошлаб кишиларимизда ерга, мулкка эгалик ҳиссини уйғотиш, пировард натижада ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш Президентимиз олиб бораётган изчил сиёсатнинг бир қисмига айланган. Ўтган вақт танланган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини исбот қилди. Айниқса, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил қилинган фермер хўжаликлари дастлабки йиллардаёқ маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, қарздорлик ботқоғидан қутулдилар. Бу борада Хоразм вилояти деҳқонлари яхши тажрибага эга. Хўш, бугунги кунда хоразмлик ер соҳиблари қандай натижаларга эришмоқдалар, уларнинг ютуқлари нимада кўринмоқда? Бу ҳақда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Хоразм вилояти вакиллиги раҳбари Исломбой Файзуллаев тубандагиларни гапириб берди:



-Маълумки, Хоразм вилояти мамлакатимизнинг шимоли-ғарбий минтақасида жойлашган бўлиб, ер, сув ресурслари ўлчамли, иқлим, тупроқ шароити ҳам мураккаблиги билан бошқа жойлардан кескин фарқ қилади. Ерларнинг шўрланиш даражаси кучли. Аҳоли сони эса йилдан йилга ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси ер, сувдан унумли фойдаланишни талаб қилади. Баъзи жойларда ерларга узоқ йиллар мобайнида хўжасизларча муносабатда бўлингани ҳам ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига олиб келди. Натижада паст унум билан ишлаётган ширкатларни биринчилардан бўлиб фермер хўжаликларига айлантириш вилоятимиздан бошланганди. Ҳозирги кунда 6200 фермер хўжалиги ташкил қилинган бўлиб, уларга 83407 гектар ер узоқ муддат фойдаланиш учун ажратиб берилди. Фермерларимиз ҳар бир қадамда Президентимиз ғамхўрлигини ҳис этиб, меҳнат қилмоқдалар. Бу айниқса, лизинг ёрдамида техника воситалари сотиб олишда, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорлик қилиб, имтиёзли кредит олишда ва бошқа жараёнларда яққол намоён бўлмоқда.



Фермер хўжаликлари ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида Гурлан туманида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Аввало, туман ҳокими Раҳимбой Матрасуловнинг ўзи фермер хўжаликлари ташкил қилиш ишига бош-қош бўлади, уларни ривожланган мамлакатлардаги тажрибалар билан таништириш, ҳуқуқий билимини ошириш, берилаётган имтиёзлардан унумли фойдаланишлари учун жон куйдиради. Шу боис туманда ер эгалари сони йилдан йилга ортиб, маҳсулот тайёрлашдаги улушлари кўпайиб бормоқда. Агар туманда 2002 йили 543 фермер фаолият кўрсатган бўлса, жорий йилнинг 1 июлига келиб, улар сони 791 нафарга етди. 9629 гектар ер улар ихтиёрида. Бугунги кунда гурланлик заминдорлар шартномавий режадаги 8662 тонналик "оқ олтин" хирмонини тезроқ бунёд қилишга бел боғлаганлар. Бу туман бўйича етиштириладиган пахтанинг 30 фоизини ташкил қилади. 150 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган Ёриммат Каримов бошлиқ "Ганж", 135 тонна маҳсулот сотишга шартнома имзолаган "Шуҳрат" медали нишондори Гулмат Ҳайитме-



тов бошлиқ "Ҳайтиммат ота" фермер хўжалиги аъзолари эрта-индин режаларни бажаришиб, унга қўшимча равишда пахта топширмоқдалар.

Уларнинг мақсади ҳосилдорликни гектар бошига 45-50 центнерга етказишдир. 80 бош қорамол, 60 бош қўй ва юзлаб паррандалар асраётган Баҳтиёр Каримов бошлиқ "Гужум қалъа" фермер хўжалиги аъзоларининг пахта ва бошқа тур экинлардан юқори ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги ишлари воҳага ибратлидир.

Туманда барча тур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган фермер хўжаликлари ташкил қилинган. Жумладан, чорвачилик йўналиши бўйича 174, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланувчи 621 фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг деярли барчаси ердан юқори унум билан фойдаланиб келмоқдалар. Жорий йилда туман бўйича етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг кўп қисмини, буғдойнинг нақд 50 фоизини фермерлар етиштиргани фикримизнинг яна бир далилидир.

Бугунги фермер оддий деҳқон эмас, у ҳар томонлама фикрлай оладиган, дунё янгиликлари, илғор тажрибалар асосида иш юритадиган мулкдорлар синфининг вакили. Доимо фойдани кўзламаса, "синиб" кетиши ҳеч гапмас. Улар фаолиятини замон талаблари асосида олиб боришда деҳқон ва фермерлар уюшмаси туман вакиллиги томонидан ташкил этилган "Иқтисод-молия маркази"нинг салмоғи катта бўлмоқда. Ҳозир унда 16 нафар олий ва ўрта махсус маълумотли кишилар 115 фермер хўжалигига хизмат кўрсатаяпти. Мулкдорлар ҳисоб-китоб ишларини юритиш бўйича вакиллик билан шартнома тузиб, шунга асосан 10 гектар майдон учун энг кам иш ҳақининг бир, 10-20 гектаргача ери борлар 1,3, 20-40 гектар ерда деҳқончилик қилувчилар эса 1,5 баравар миқдорида ҳақ тўлайдилар. Бу маблағларнинг тенг ярми ҳисобни ходимларга иш ҳақи қилиб берилади. 31,6 фоизи умумхўжалик ва маъмурий харажатлар учун ажратилиб, 18,4 фоизи туман вакиллигига фойда сифатида қолдирилади.



-"Иқтисод-молия маркази"да ишловчи ҳар бир ҳисобчи ходимга ўртача 7 фермер хўжалиги тўғри келиб, ойлик маошлари 28-32 минг сўмни ташкил қилади. Шуни мамнунлик билан қайд қилиб ўтмоқчиманки, республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилов ва мутахассислар марказ ишлари билан танишиб, уни маъқуллашди, - дейди туман вакиллиги раҳбари Рустамбой Заргаров.

Шунингдек, уюшмада ташкил этилган "Техника маркази" ҳам ер эгаларига қўл-қанот бўлмоқда. Унга туман вакиллигидаги мавжуд 6 та Т-28 Х4, "Обод" фермер хўжалигининг учта шундай русумли ва учта МТЗ-80, битта Т-4 занжирли тракторлари, қисқаси 28 турдаги техника воситалари жалб қилинган. Бу техникалар билан экишдан тортиб, йиғиб олишгача бўлган барча юмушлар бажарилади. Бунинг афзал томонларидан бири шуки, ишлар режа асосида олиб борилиб, бир жойдан бошқарилади. Иккинчидан, йирик фермер хўжаликларидаги техника воситалари ҳам туриб қолмайди, ишлаб, фойда келтиради. "Техника маркази" томонидан бажариладиган ишлар эса МТП ва бошқа ташкилотлар томонидан қилинганларга қараганда бир неча баробарга арзон. "Бобо", "Жумабой қассоб", "Норон" фермер хўжаликлари ҳамиша марказ хизматидан мамнундирлар.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "ILM SHU'LASI" акциядорлик жамиятининг думалоқ муҳри ва бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "МД-Турон" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъво ва аризалар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Қорасарой кўчаси, 270-уй. Тел.: 43-29-04

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети томонидан 2003 йил 12 июлда Қиличев Беҳзод Бахритдинович номига берилган №012770 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Фазылов Марат Гайратович номига берилган № ББ 001092 рақамли савдо билан шуғулланиш қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 120-билим юрти томонидан 1979 йили Волкова Светлана Геннадиевна номига берилган №1635 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йили якка тартибдаги тадбиркор Рашидова Ҳакима Сабировнага берилган №0522572 рақамли миллий чокли буюмлар тикиб, сотиш ҳуқуқи қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

***Ўтган ҳафтада Россиянинг "Ростовугол" компаниясига қарашли "Ғарбий Капиталний" конида юз берган фавқулодда ҳодиса туфайли бу ерда бўлган 71 нафар кончининг 46 нафари ер қаърида қолиб кетганди.***



Қутқарув ишларининг бир зум ҳам тўхтамаганлиги ўз самарасини берди. Шанба оқшомида ер остида қолиб кетган 46 нафар кончиларнинг 33 таси жойлашган манзил аниқланиб, улар қутқариб олинди. Ҳалокат юз берган чоғда узилган алоқанинг тўсатдан тикланиши коннинг ҳали сув тўлиб улгурмаган қисмида жон сақлаётганларга ўзларининг қаерда эканликларини билдириш имконини берган. Кон остида қолиб кетган яна 13 кишининг тақдири ҳалигача номаълум бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, уларни сешанба тонгига қадар қутқарилмаса, кейин кеч бўлиши муқаррар.

## ЁНҒИН БАЛОСИ

***АҚШнинг жанубидаги Калифорния штатида кучли ўрмон ёнғинлари юз бермоқда. Олов айни пайтгача икки юздан зиёд турар-жой биноларини ямлаб улгурган.***



Ҳозирча қурбонлар йўқ бўлса-да, Лос-Анжелес шаҳри томон келаётган кучли ёнғиннинг йўлида ўн икки минг атрофида турар-жой ҳамда маиший биноларнинг мавжудлиги вазиятни бироз чигаллаштириши мумкин. Айни дамга қадар бу ердан ўн мингдан зиёд аҳоли эвакуация қилинган. Икки минг нафар ўт ўчирувчи ҳамда авиация флоти соатига олтмиш километр тезлик билан эсаётган шамолнинг ёрдамида шаҳарга тобора яқинлашиб келаётган ёнғинни "меҳмоннавозлик" билан кутиб олишга шай қилиб қўйилган.

## МАГНАТ ҲИБСДА

***Россия прокуратураси томонидан айбланиб, ҳибсга олинган Михаил Ходорковский атрофидаги шов-шувлар авжига чиқмоқда.***



Куни кеча бу ҳақда, ҳатто АҚШнинг Россиядаги элчиси Александр Вершбоу ҳам ўз қарашларини баён этган. "ЮКОС" компанияси президенти лавозимида ишлаб келган ва ўз акцияларини АҚШнинг "ExxohMobil" ҳамда "ChevronTexaco" компанияларига сотишни мўлжаллаётган олигархнинг қамоққа олиниши чет эллик инвесторларда Россия қонунчилигига нисбатан шубҳалар уйғотаётганди. Элчи ҳам бу борадаги фикрларни давом эттириб "Ходорковскийнинг аниқ айбсиз ҳибсга олиниши Россияга оқиб келаётган инвестициянинг камайишига сабаб бўлади" деган. Унинг таъкидлашича, "ЮКОС"нинг эндиги тақдири хусусида ҳозирча бир нима дейиш қийин.

## СУВ ОСТИДА... АВТОМОБИЛ

***Лондондаги "Илм-фан" музейига қўйилган янги экспонат кўпчиликда қизиқиш уйғотди.***



Чунки, бу экспонат сув остида ҳам бемалол юриш имконини берувчи икки кишилик автомобилнинг биринчи намунасидир. Бу автомобил ўзига хос дизайнда ишланган бўлиб, дизел ёнилғиси ёрдамида ҳаракатланади. Роберт Лидс ҳамда Франк Баркерлар томонидан ихтиро қилинган мазкур транспорт тури инсоният тараққиётида янги саҳифа очса, ажаб эмас. Тиниб-тинчимаган одамлар-ей, ниmaларни ўйлаб топишмайди, дейсиз...

## ЯНА БИР ХУРУЖ

***Маълумки, Рамазон мусулмонлар учун муқаддас ой ҳисобланади. Бу ойда ҳатто бир-бирига душман икки давлат ҳам уруш ҳаракатларини тўхтатади.***



Бироқ, якшанба куни тонгда Ироқ пойтахтидаги "Ал-Рашид" меҳмонхонасининг портлатилиши террорчиларнинг дини бўлмаслигини яна бир карра исботлади. Пентагон раҳбарининг ўринбосари Пол Вулфовицга нисбатан уюштирилган мазкур теракт натижасида бир неча киши қаттиқ ярадор бўлган. Хабарларга қараганда, террорчи кучларнинг ракета отиши туфайли меҳмонхона ярим вайрона ҳолга келган.

## БИНОЛАР ПОРТЛАТИЛДИ

***"Якшанба куни Исроил армиясининг Ғазо секторида ўтказган ҳарбий операцияси чоғида фаластинликларнинг учта кўп қаватли турар-жой бинолари портлатиб юборилди", дея хабар қилади "Vesti.ru".***



Исроил томони мазкур операция террорчи гуруҳларнинг янги қатламини йўқ қилиш мақсадида уюштирилганлигини айтиб ўтган. Бироқ, жаҳон ҳамжамияти Исроилнинг ушбу ҳаракати БМТнинг умумэътироф этган қоидаларига зид эканлигини таъкидлаб, Ариэл Шарон ҳукуматини ҳаддидан ошмасликка чақирган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

## "НИШОН-ДОН" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*"Нишон-дон" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йили 21 ноябр куни соат 11-00 да бўлиб ўтади.*

**КУН ТАРТИБИ:**

**1.** Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

**2.** Жамият Устави ва Устав фондини қайта кўриб чиқиш.

**3.** Жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш.

***Манзил: Нишон тумани Эски Нишон қишлоғи. Темир йўл шохбекати.***
***Тел.: (8-251) 2-13-63.***

***Жамият Кузатув кенгаши***

# “АЛПОМИШ”НИ ЎҚИШ КЕРАК

(Боши 1-бетда)



Ҳозирги пайтда мактабларда балл, институтларда рейтинг системаси жорий қилинди ва бу рақамнинг аҳамияти ўз кучини йўқотди. Мен ҳам мактабда “5” баҳога ўқиганман, 5 та фарзандим бор. Эрталаб соат $5^{00}$ да уйғонаман. Устоз Ғафур Ғуломда тонгга ўртоқлик хислати бўлган. Шоир барча гўзал шеърларини тонг арафасида ёзган. Умуман, тонги вақт, яъни соат $5^{00}$ ни тун ва кунни ажратиб турувчи илоҳий лаҳзалар, деб тушунаман ва ҳар куни уларни ўзгача бир кайфиятда кутиб олгим келади.

**-Адабий муҳит ва унда кечаётган жараёнлар ҳақида кузатишларингиз нималардан иборат? Бугунги замон қаҳрамони қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

-Тирик организм ўсиб, улғайгандек, адабиёт ҳам, унда кечаётган жараёнлар ҳам мутассил ривожланмоқда. Кутилмаганда яхши-яхши асарлар пайдо бўляпти. Дафъатан ёзувчини таниб қоласиз, у битта асари билан сизни ҳайратга солади ва сиз уни қайтадан кашф этасиз. Марҳум ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг кейинги учта трилогиясини ўқиб, ёзувчи сифатида кашф этганман. Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” асаридан сўнг уни қайтадан танидим. Гулжамол Асқарова шеърларидаги самимийлик, устозларга меҳр туйғуси одамни ўзига тортади. Хосият Рустамова шеъриятида одамни эзадиганмас, ҳузур берадиган мунг мени ҳайратлантиради. Рустам Мусурмон шеърларини, айниқса, ўзи ўқиганини яхши кўраман. Эшқобил Шукурни аввалдан биламан. Ёзувчининг кейинги “Пул санаётган одам”, “Дунёнинг қайтиши” ҳикоялари билан бутунлай янгидан кашф этдим. Усмон Азимнинг “Куз”, “Инсон ҳаёти ўртаси” туркумлари ўзига хос ранг-барангликка эга. Айниқса, менга “Ўтган замон ҳангомалари” ниҳоятда маъқул бўлди. Усмон Азим жиддий гапларни фалсафий хулосаларга боғлаб айтаяпти. Қисқаси, ҳозирги замон қаҳрамонини эталон қилиб олиш шарт эмас, ҳамма уни ўзича кашф этиб ўқийди.

**-Детектив жанри ўзбек адабиётида нисбатан ёш жанр десак бўлади. Агар “Шайтанат” романи мисолида айтадиган бўлсак, у оммани кўпроқ ўзига жалб эта олди. Умуман, ушбу жанрнинг бугуни ва эртаси ҳақида нима дея оласиз?**

-Аввало, “Шайтанат” роман эмас, тўртта китобдан иборат қисса. Детектив адабиёт ғарбда яратилган ва бу жанрнинг асосчиси машҳур ёзувчи Эдгар По ҳисобланади. Қатъий ишонч билан айтаманки, бизда бу жанр энди ривожланмоқда. Тўғрироғи, биз ҳаётдаги ижтимоий тараққиёт, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар бу жанрнинг ўсишига туртки бермоқда. Детектив асарлар ҳаётдаги соя-қоронғиликдаги кучларнинг асосий ижтимоий табақалар билан кураши асосида юзага келади. Масалан, зўравонлик, тўдачилик, уюшган жиноятчилик ва ҳоказолар...

Детектив адабиётдан завқ олишни ўрганишимиз керак. “Шайтанат” асарида Тоҳир Малик Асадбек ва бошқаларни шундай тасвирлаганки, одамда уларга нисбатан илиқлик пайдо бўлади. Демак, ҳаётдаги нур ва соялар курашини бир хил талқин қилиш мумкин эмас. Ҳозир ушбу жанрда Алишер Ибодинов, Ғайрат Раҳматуллаев, Муҳаммаджон Соипов, Исфандиёрлар баракали ижод қилаяпти. Бу жанрда ҳам ярқ этиб кўзга ташланадиган асарлар, соҳанинг ёрқин сиймолари пайдо бўлишига ишонамиз.

**-Китобхонларимизга қандай бадиий асарларни мутолаа қилишни маслаҳат берардингиз?**

-Биз нонни ҳар куни еймиз, сувни ҳар куни ичамиз, лекин ҳеч қачон нон-сув меъдамизга тегмайди. Шунга ўхшаш халқ оғзаки ижодининг ўлмас асарлари ҳамма томонидан ва ҳамма ерда ўқилиши керак, деб ўйлайман. Масалан, “Алпомиш”, “Минг бир кеча”, “Манас”, “Қизжибек” сингари асарлар ҳамиша ўқилиши керак. Ҳиндларга қойилман, “Маҳобҳорат” кўп сериалини ўрнига қўйиб суратга олибди. Биз учун бу орзу бўлиб қолмаслиги керак. Яна мен Алишер Навоий, Чўлпон, Абдулла Қодирий асарларини ҳам ҳамиша севиб ўқилишини истайман. Назаримда, кўпгина китоблардан ҳам афзалроқ, халқимизнинг бетакрор эпоси – “Алпомиш”ни кўп ва хўп мутолаа қилсак, нур устига аъло нур бўларди.

**Суҳбатдош: Муҳаббат ТЎХТАШЕВА.**

# ЭШИТМОҚДАН КЎРГАН АФЗАЛ

(Боши 1-бетда)

-Қисқа муддат ичида кенг кўламли ишларни амалга оширдик, - дейди шу зиёратгоҳдаги қурилиш-таъмирлаш ишларига масъул Ж.Мансуров. – Кўриб турганингиздек, 132 метр узунликда девор тикланди. Зиёратгоҳ дарвозаси янгиланди. Ариқ атрофи бетонлаштирилиб, гулзорлар барпо қилинди. Икки минг туп арча кўчати ўтқазилди.

-Илгари зиёратгоҳ супаларини ажриқ босиб, масжид ҳам хароб ҳолга келиб қолганди, - дейди шу қишлоқда яшовчи Тўлқин бобо Ҳамроев. – Яратганга минг карра шукр, зиёратгоҳ обод бўлди. Эзгу, савоб ишга бош қўшганларга раҳмат. Асло кам бўлишмасин.

Отахон бу ерни таъмирлашга ҳиммат қўлини чўзган кўплаб тадбиркорлар, жумладан “Ғиждувонпахтатозалаш” ҳиссадорлик жамияти, 206-кўчма механизациялашган колонна, Кўкчадаги нефть базаси меҳнат жамоаларини назарда тутаётган эди, албатта.

Хуллас, ўн гектар ерни эгаллаган зиёратгоҳ обод этилиб, Сўфичўян даҳмаси таъмирланди.

-Хўжайи Жаҳон номи билан эл орасида танилган Ғиждувоний ҳазратлари бўз тўқиб тирикчилик қилганлар, - дейди Тўлқин бобо. – Шогирдлари Сўфичўян эса чўяндан рўзғор буюмлари тайёрлаганлар. Одамларни эзгу ишларга даъват этиш, касб-ҳунарли бўлишга ундаш билан уларнинг халқ ичида мартабалари улуғ бўлган.

Бу фикрлар бир қарашда содда, аммо айни ҳақиқат. Бир пайтлар ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувоний инсонни ҳар томонлама баркамол кўришни орзу этиб Хожагон тариқатига асос солган эдилар. Шу тариқат замирида кейинчалик “Қўл меҳнатда, кўнгил ёрда (Худода) бўлсин” деган ғояни шиор этган Нақшбандия юзага келди. Не бахтки, истиқлол шарофати билан ҳар иккала буюк пир маънавий меросидан фойдаланиш, ундан баҳра олиш имконига эга бўлдик. Юртбошимизнинг Бухорога ташрифлари чоғида ҳар иккала зиёратгоҳда бўлиб, уни тубдан таъмирлаш, ободонлаштириш ҳақидаги фикрлари аслида халқимиз орзу-истагининг ифодаси эди.

Ҳозир Ғиждувонга келган киши ҳайратланиши тайин. Ғиждувоний ҳазратлари зиёратгоҳи тубдан таъмирланди. Деҳқон бозори ўрнида кўрса кўз қувонгулик гулзорлар барпо қилинди. Ёшлар спорт мажмуи ҳам узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Юбилей тантаналари ўтадиган бу табаррук маскан ҳақида кўп ёзиш мумкин. Биз эса халқимизнинг “Минг эшитгандан бир бор кўрган афзал” деган доно нақлини ёдга олиш билан чекланмоқчимиз.

Дарвоқе, нафақат Ғиждувон, балки бутун Бухоро бугун байрам оғушида. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хоки пойи ётган Қаср Орифонда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

-Илгари ҳам бу табаррук масканни зиёрат этгандик, - дейди “Маҳалла” жамғармаси Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими раиси Р.Турсуналиев. – Лекин бу галги ўзгаришларни кўриб, очиғи ҳайратда қолдик. Қадриятларимизни шундай эъзозлаётган халқимизга тасанно!

Отахоннинг бу сўзларига ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ҚАЙСИ ДАРАХТ СИЗНИКИ?

***Ҳар бир инсоннинг биоэнергетика хосиятларига кўра, ўзига яқин бўлган дарахти бор. Айнан ўша дарахт Сизнинг соғлиғингиз посбони ҳисобланади.***

**АЖАБО!**

Агар ўзингизни ёмон ҳис этсангиз, шу дарахт ёнига келинг, унга суянинг, ўзингизни бўш тутиб, япроқлар шитирлашига қулоқ тутинг. Ҳамма нарсани унутиб, унга қўшилиб кетинг. Шунда дарахтингиз ўз қувватини сиз билан баҳамлашади.

Қуйида дарахтлар ва одамларнинг туғилган кунига мувофиқ ўзаро боғлиқлик жиҳатлари келтирилади. Бу қадимги Галлия донишмандлари томонидан тузилган.

ЯНВАР - 1 олма, 2-11 қорақарағай, 12-24 қайрағоч, 25-31 сарв;

ФЕВРАЛ - 1-3 сарв, 4-8 жўка, 9-18 кедр, 19-29 қарағай;

МАРТ- 1-10 самбит, 11-20 жўка, 21 эман, 22-31 ўрмон ёнғоғи;

АПРЕЛ - 1-10 четан, 11-20 заранг, 21-30 ёнғоқ;

МАЙ - 1-3 терак, 15-24 каштан, 25-31 шумтол;

ИЮН - 1-3 шумтол, 4-13 қайин, 14-23 анжир, 24 оқ қайин, 25-30 олма;

ИЮЛ - 1-4 олма; 5-14 қорақарағай, 15-25 қайрағоч, 26-31 сарв

АВГУСТ - 1-4 сарв, 5-13 терак, 14-23 қарағай, 24-31 ёнғоқ;

СЕНТЯБР - 1-2 ўрмон ёнғоғи, 3-12 самбит, 13-22 жўка, 23 олхўри, 24-30 ўрмон ёнғоғи;

ОКТЯБР - 1-3 ўрмон ёнғоғи, 4-13 четан, 14-28 заранг, 29-31 ёнғоқ;

НОЯБР - 1-11 ўрмон ёнғоғи, 12-22 каштан, 22-30 шумтол;

ДЕКАБР - 1 шумтол, 2-11 қайин, 12-21 анжир, 22 қорақайин, 23-31 олма

**Зуҳра РИХСИЕВА тайёрлади.**



# SPORT OLAMIDA

## ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

***Футбол бўйича иккинчи лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган Фарғона вилояти чемпионати ниҳоясига етди. Унда асосан 16 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда финал босқичига бериладиган йўлланма учун ўзаро кураш олиб боришди.***

Рақибларидан кўра кучлироқ ўйин намойиш этган Олтиариқ туманининг “Имкон” ҳамда Данғара туманининг “Данғара” жамоалари вилоят чемпиони бўлиш мақсадида яшил майдонда ҳаракат қилишди. Майдонга фақат ғалаба иштиёқида тушган жамоалар ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этишди. Тенг курашлар остида ўтган беллашувнинг асосий вақти дуранг 2:2 ҳисобида якунланди. Ғолибни пенальтилар сериясида аниқлашда омад олтиариқлик футболчилар тарафида бўлди. Хуллас, учрашувни 4:2 ҳисобида ўз фойдасига якунлаган “Имкон” жамоаси вилоят чемпиони, деб эътироф этилди. Эндиликда олтиариқнинг “Имкон” жамоаси биринчи лигага ўтиш турнирида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

## БЕЛЛАШУВ СОВРИНДОРИ

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида 1-босқич талабалари иштирокида универсиада беллашувлари уюштирилди.***

Тил соҳасини ўргатишга мослаштирилган олтита факультет жамоалари ўртасида кечган қизиқарли беллашувлар якунида барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган инглиз филологияси факультети футболчиларига биринчи, халқаро журналистика факультети жамоасига иккинчи ўринлар насиб этди. Универсиада якунида ғолиб ва совриндорлар мутасаддилар таъсис этган совғалар билан тақдирланди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## “ЦСКА” – ҒОЛИБ

***Ҳали футбол бўйича Россия чемпионати ўз ниҳоясига етмаган бўлса-да, чемпион жамоа аллақачон маълум бўлди.***



29-турда ўз уйида Волгограднинг “Ротор” жамоасини қабул қилган армиячилар 3:0 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритиб, чемпионликка эришдилар. Ёдингизда бўлса, ўтган йилги мавсумда энг сўнгги турда “ЦСКА” ҳамда “Локомотив” жамоалари ўртасида кечган ўзаро баҳс 0:1 ҳисобида темирйўлчилар фойдасига якун топган ва “ЦСКА”чилар иккинчи ўрин билан чегараланганди.

Санкт-Петербургда маҳаллий “Зенит” жамоаси билан куч синашган экс-чемпионлар 0:0 ҳисобдаги дурангни қайд этишди ва улар ҳозирча 49 очко жамғарган ҳолда 4-ўринда боришмоқда. Турнирнинг иккинчи поғонасини эса “Зенит” жамоаси вакиллари 53 очко билан банд этишган. Энди фақат учинчи ўрин учунгина кураш олиб бориш мумкин, холос. Чунки Қозоннинг “Рубин” жамоаси йиққан очколар сони “Локомотив”никидан атиги битта кўп. Россия Олий дивизионини эса бу мавсумда Москванинг “Торпедо-Металлург” ҳамда Новороссийскнинг “Черноморец” жамоалари тарк этадиган бўлишди. Ҳамюртимиз Миржалол Қосимовни азбаройи жамоасининг олий дивизиондаги ўрнини сақлаб қолиш учун таклиф этган аланияликлар ўн иккинчи ўринда мустаҳкамланиб олишди.

## “МИЛАН” ВА “ЮВЕНТУС” ОЛДИНДА

***Италия “А” сериясининг 7-тур учрашувлари украиналик форвард Андрей Шевченко жамоасига омадли келди.***



Чунки, миланликлар ўтказилган учрашувда сафарда “Сампдория” устидан 0:3 ҳисобида ғалаба қозониб, муҳим уч очкони қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Бу ўйинда Андрей Шевченко ўз ҳисобига яна икки тўп ёзиб қўйди ҳамда у эндиликда “А” сериянинг ягона тўпурари бўлиб турибди. Миланликларнинг азалий рақиблари бўлмиш Туриннинг “Ювентус” жамоаси ҳам 7-тур учрашувини муваффақиятли ўтказди. Туринликлар мазкур турда ўз майдонларида турнир жадвалининг ўн иккинчи поғонасида бораётган “Брешиа” жамоасини қабул қилиб, осонлик билан 2:0 ҳисобидаги ғалабани қўлга киритишди. Эндиликда “Ювентус” жамоаси ҳисобида ҳам 19 очко бор ва улар турнир жадвалида “Милан” жамоаси билан биринчи ҳамда иккинчи ўринларни бўлишиб туришибди.

## ШУМИ ТАЪТИЛДА

***“Феррари” жамоасининг “Формула-1” баҳсларидаги сардори, жаҳоннинг олти карра чемпиони Михаэл Шумахер янги мавсум олдидан бироз дам олмоқчи эканлигини маълум қилган.***



“Спорт.ru” веб-сайтида қайд қилинишича, Шуми бу йил ўтган йилдаги каби ўз саломатлигига енгилтаклик билан қарамоқчи эмас. “Мен январнинг ўрталарига қадар “Формула” баҳсларидан четда турмоқчиман. Очиғини айтсам, ҳар доим тезлик ҳақида ўйлайвериш ҳам одамнинг асабларини ишдан чиқараркан. Шу боис, хотиним Каринна ва икки фарзандим билан бирга оилавий дам олмоқчимиз. Меҳрибон ота, суюкли эр ролини ижро этмай қўйганимга ҳам анча вақт бўлиб қолди. Бироқ, энди тушунишимча, бу ёруғ оламда менинг энг қадрдон кишиларим биргина шулар экан, холос”, дея интервью берган пойгачи “Гардиан” ҳафталик рўзномасига. Нима ҳам дердик, дам олишга ҳамманинг ҳақи бор, олти карра жаҳон чемпиони эса бундай шарафга олти маротаба лойиқ, десак ҳам янглишмаймиз.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

**БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ**

## БОДОМ

***Бодомнинг ватани олд Осиё ва Шимолий Африка ҳисобланади. Халқ табобатида ширин бодом мағзининг қанд билан аралашмаси дармонсизлик, нафас қисиш, бош айланиш ва йўталга даво сифатида ишлатилади.***

Аччиқ бодомнинг мусаллас билан қўшилгани эшакемини даволашда, асал билан аралаштирилгани эса тошма яраларни қуритишда даводир. Бодомнинг сирка билан омухта қилингани замбуруғли касалликларга қарши восита ҳисобланади.

Қариқиз ўсимлигининг илдизини бодом мойига қўшиб дамлаб, сўнгра бошга суртилса, сочнинг тўкилиши анчагина камаяди. Мойи ажратиб олинган ширин бодомнинг туппаси терига қўйилса, унинг ранги тиниқлашиб, латиф ва чиройли бўлади. Ширин бодом мойи ёки мағзи сувга обдон эзиб аралаштирилса, бодом “сути” ҳосил бўлади. Бу “сут”дан ичилса, беозор сийдик ҳайдовчи омил бўлади. Ширин бодом мойидан болаларга сурги дори қилинган. Қизамиқ чиққан болаларга чучук бодом пўчоғининг қайнатмаси ичирилган.

## ДЎЛАНА

***Дўлананинг 100 га яқин тури мавжуд бўлиб, улар Европа, Осиё, Шимолий Америкада кенг тарқалган.***

Халқ табобатида дўланадан киши толиққанда, ақлий ҳорғинликда, уйқусизликда, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлганида даво сифатида фойдаланилади. Абу Али ибн Сино дўлана мевасини ич кетишини тўхтатувчи восита сифатида тавсия этган. Ҳозирги замон тиббиётида дўлананинг экстрактини врачлар ангионевроз (қон томирларининг неврози, қон томирларининг функционал касаллиги) юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ортиши, юқумли касалликларга чалинган беморларнинг юрагини қувватсизланиши, танглай муртакларини яллиғланишида беморларга ичиш тавсия қилинади.

Дўлана мевасидан шарбат тайёрлаш учун 20 грамм дўланага 200 грамм қайноқ сув солиб, 15 дақиқа қайнатилади. Қайнатма шарбатини чой ўрнида ичса ҳам бўлади.

**Х.МАҲАМОВА тайёрлади.**



# ТАРВУЗНИ ЙИЛ БЎЙИ ЕНГ

***Тарвуз хушхўр ва шифобахш неъмат. Унинг таркибида 11 фоизгача қанд, $B_1$, C, PP витаминлари ва каротин, яна турли органик кислоталар, шарбатида фосфор, кальций, магний, темир, калий тузлари мавжуддир.***

Халқ табобатида тарвуз – сувчечак ва сариқ касаллиги билан оғриган беморларга тавсия қилинади. Ундан пешоб ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Қуритилган пўчоқларидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда фойда беради. Тарвуз паришонхотирликнинг давоси сифатида қадрланади. Унинг шарбати – ўт пуфаги, буйрак, қовуқдаги майда тош ва қумларни емириш ҳамда организмдан чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Тарвузда қанд фруктоза кўринишида бўлганлиги сабабли, уни диабет билан оғриган беморлар истеъмол қилишлари мумкин. Жигар фаолиятини яхшилашда ҳам бу неъматнинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун тарвузнинг кечпишар навларини сақлашни кенг ташкил қилиб, истеъмол муддатларини узайтириш муҳимдир.

Кечки тарвузни йиғиштириш даври октябрга тўғри келади. Тарвузни палакдан иложи борича банди билан узиб олинг ва омбордаги похол ва бошқа тўшамалар устига 50-60 тадан

**ОНАЖОНИМ-ТАБИАТ**

қилиб териб қўйинг. Захирага олинадиган тарвузлар ўртача катталикда бўлгани яхши. Чунки йирик бўлса, сақлаш даврида ўз оғирлиги остида эзилиб, сифати йўқолади. Ташқарида намгарчилик кўпайса, бинонинг эшик ва деразаларини беркитинг.

Омборда ҳарорат 5-15 даража иссиқ, ҳавонинг нисбий намлиги 70-80 фоиз атрофида бўлса, маҳсулотни март ойигача сақлаш мумкин.

Тарвузларни сақлаш ва узоқроқ масофаларга жўнатиш учун қуйидаги кечпишар навларни тавсия этамиз.

“Қўзибой 30”. Етилиш муддати 96-110 кун. Ҳосилдорлиги гектаридан 400-500 центнер. Меваси йирик, ўртача оғирлиги 8-18 кг. Пўсти қалин, ўртача томирли. Таркибида 8-9 фоиз қанд бўлади. Узоққа ташишга чидамли ва яхши сақланади. Республиканинг ҳамма вилоятларида экиш мумкин.

“Хаит қора”. Ниҳоллар пайдо бўлганидан сўнг 96-126 кунда етилади. Ҳосилдорлиги гектаридан 400-500 центнер. Тарвузнинг ўртача оғирлиги 7-8 кг. Пўсти жуда қалин. Меваси тўқ пуштиранг, узоқ масофаларга ташиш ва сақлашга чидамли.

“Гулистон”. Ниҳоллар пайдо бўлганидан сўнг 125 кунда пишади. Ҳосилдорлиги гектаридан 550-600 центнер. Тарвузнинг ўртача оғирлиги 8-10 кг. Пўсти қалин ва қаттиқ, таркибида 8,5-9,0 фоиз қанд моддаси бор. Сақлашга ва олисга юборишга чидамли. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида экиш учун тавсия этилади.

**Рафиқжон ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг раҳбари.**

**МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ**

## ЯРИМ АСР ҲАМНАФАС

***Сирдарё: Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театрининг таниқли актёрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Озода ва Адҳам Абдуллаевлар ўзларининг ярим асрлик ёшларини қаршиладилар.***

Улар “Аршинмололан”, “Қаердасан, жон болам?”, “Аёллар фарёди”, “Тентак фаришталар”, “Минг бир кеча”, “Тарослик ёвуз”, “Амир Темур” каби саҳна асарларидаги қаҳрамонлар образларини яратиб, томошабинлар эътиборини қозонишган. Тадбирда иштирок этганлар ҳар иккала санъаткорга эзгу ниятларини изҳор этишиб, ижодда муваффақият тилашди.

## МУСИҚА СЕҲРИ

***Самарқанд: Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театрида Япония элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорликда “Япония маданияти ва санъати кунлари”ни ўтказди.***

Ижро этилган классик мусиқалар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Матушито Тамако қатнашди.

## ДИЛГА ЙЎЛ ТОПАР ҚЎШИҚ

***Вобкент тумани маданият уйига қарашли “Мардона” эркаклар фольклор этнографик халқ дастаси ва Жондор тумани “Дилдор” ашула ва рақс дастаси дала меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез бўлишиб, ўз истеъдодларини намойиш этишаётир.***

Олот тумани маданият ишлар бўлими ижодий гуруҳи эса “Зафар муборак, азиз пахтакор” мусиқали кеча ўтказди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

# УТЕМУРОДЛИК ДАКИРА

***“Утемурод” қўрғони барханлар устига қурилган. Унинг кўчаларига қадам боссангиз, ўзингизни қат-қат пар кўрпа устида юргандай ҳис этасиз. Беқарор шамол кенгликлардаги сарғишранг қумни адоқсиз чўл қўйнида у ёқдан-бу ёққа кўчиргани-кўчирган. Айниқса, ёзнинг жазирама иссиғида офтобнинг қайноқ нури тандир алангаси янглиғ ўт пуркайди.***

Шундай мураккаб шароитда яшаб, ишлаётган одамларга, хусусан, «Утемурод” ” қишлоқ участка шифохонаси ва фельдшер-акушерлик комплекси шифокорларига қойил қолиш керак.

-Шифохонамиз ўн ўринлидир, -дейди бош ҳаким Дакира Усмонова. – Ходимларимиз вақт билан ҳисоблашмай ишламоқдалар.

Дакира 1989 йили Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетини тугатиб, Конимех туманидаги Учтепа шифохонасида фаолиятини бошлади. Серғайрат, билим доираси кенг, хушмуомала ва қатъиятли аёлни 1998 йили Томди туманидаги “Утемурод” қўрғони шифо масканига бош шифокор этиб тайинлашди. Чўлда чўпон-чўлиқлар ҳурматини қозониш, улар ишончини оқлаш, қишнинг аёзли, ёзнинг гармселли кунларида отарма-отар юриб, одамлар соғлиғи ҳақида қайғуриш осонмас, албатта.

**ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР**



-Беморликнинг олдини олиш профилактикага боғлиқ, - дейди бош шифокор. – Аҳоли қачон касал бўлсагина бизга мурожаат этади. Шунинг учун оғир бўлса ҳам уларнинг ҳузурига ўзимиз борамиз. Яқин-яқингача бизда болалар ўлими учраб турган. Аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш туфайли кейинги икки йилда бундай ҳолатлар учрамади ёки рўйхатга олинмади. Эндиликда ширкатда 884 нафар 14 ёшгача бўлган болалар соғ-саломат.

Айтганча, болалар туғилиши ҳам камайяпти. Агар 1999 йилда 80 фарзанд дунёга келган бўлса, бу йил ҳозирча 36 бола туғилди, холос. Бу туғиш ёшидаги оналар билан иш олиб бориш натижасидир. Ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан самарали фойдаланаяпмиз. Натижада соғлиги яхши, боласи 3-4 ёшга тўлган, туғиши мумкин бўлган оналарга фарзанд кўришга рухсат этиляпти. Катта фельдшер Ажимурод Бегманов, доя Жамила Намозова, амбулатория ҳамшираси Гулшод Гаипова, болалар ҳамшираси Нагашгул Жарилқосимова, таҳлилчи Жанар Сарсеновaларнинг жонкуярлиги туфайли, кейинги йилларда юқумли касалликлар учрамади. Масалан, гепатит, яъни сариқ касаллиги қайд қилинмаган. Беш йилдан бери оналар ва болалар ўлими кузатилмади.

“Бирлик” ширкат хўжалигининг Жаналаб ва Сўлдимон фермалари 70-80 километр узоқликда жойлашган. Бу икки гўшада фельдшерлик пунктлари ишлаб турибди. Фотима Жарбаева ҳамда Женисбек Кенжаевлар бу шифо масканларида ғайрат кўрсатиб ишлаётирлар. Қизилқумнинг олис ўтовларида касаллар учраса, рация орқали хабар этилади.

-Яқинда республика Саломатлик маркази томонидан шифохонамизга тўртта рация ажратилди, - дейди Дакира. – Бу рациялар “Тез ёрдам” машинасига, шифохонага ҳамда узоқ фермаларга ўрнатилди. Ўтган йили Навоий тоғ металлургия комбинати ҳиммат кўрсатди. Янги “УАЗ” машинаси ҳадя этди. Келгуси йили янги қишлоқ врачлик пункти қурилиши режалаштириляпти. Касалхонада хусусий дорихона ишлаб турибди. Унинг мудираси Венера Ҳусамонова дори-дармонларнинг етарли бўлишига ҳаракат қилмоқда. Бу аҳолини хушнуд этаётир.

Сил касалликлари билан оғриган беморларга ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатиш учун махсус хона ажратилган. Зарур муолажаларни шу ерда қиламиз. Оқибатда беморларни туман ёки вилоят марказларига узоқ йўл босишларига ҳожат қолмаяпти.

-Очиғи, чўл шароитида, - дейди ҳамшира Гулшод Гаипова, - бош шифокоримиз ҳамма ишларга улгуришга ҳаракат қилмоқда. Бу фидойи аёл асаб хасталиклари, болалар муолажаси, доя, норколог, ички касалликлар бўйича иш олиб бориб, яхши натижаларга эришяпти.

Мамлакатимиз мустақиллигининг мучал ёшида Президентимиз фармонига биноан эл суйган шифокор Дакира Усмонова “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Бу юксак мукофот эл қизининг жасоратли ва ғайратли меҳнатига берилган юксак баҳодир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси жамоаси Андижон ўрмон хўжалиги директори

**Қобилжон АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Газетанинг навбатдаги сони 31 октябр, жума куни чиқади.**

Бош муҳаррир **ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. **Ижодий гуруҳлар:** 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи:** А.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 3456

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com